*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 87 (8827). ● 29 апрель, 1986 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

## КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

1986 йил 19 апрелда В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалиги ўтказилди. Бу шанбалик совет кишиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати жўш урганлигининг, улар КПСС XXVII съезди қарорларига амалий иш билан жавоб қайтариш, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиш иштиёқида эканликларининг ёрқин далили бўлди.

Шанбаликда 159 миллион киши қатнашди. Улар саноатда, қишлоқ хўжалигида, қурилишда, транспортдаги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги ўз иш жойларида, шунингдек шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ободонлаштиришда меҳнат қилдилар. Шанбалик қатнашчилари ўзларининг юқори унумли меҳнати билан ўн иккинчи беш йиллик биринчи йили топшириқларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Дастлабки маълумотларга кўра, шу куни саноат маҳсулотининг ўзигина 1375 миллион сўмлик тайёрлаб берилган. Кўпгина меҳнат коллективларида одатдаги кунларга қараганда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу маҳсулотнинг талайгина ҳажми тежалган хом ашё, материал, ёқилғи ҳисобидан тайёрланди. Шанбалик қатнашчилари 200 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ишлаб топдилар ва беш йиллик фондига ўтказдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети фидокорона, беминнат меҳнатлари учун ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга, ёшларга, Совет Армияси ва Флоти жангчиларига, уруш ва меҳнат ветеранларига, Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида актив қатнашган барча кишиларга самимий миннатдорчилик билдирадилар.

Шанбаликда ишлаб топилган маблағлар меҳнаткашларнинг истакларини ҳисобга олиб янги соғлиқни сақлаш муассасаларини барпо этишга ва ишлаб турган шундай муассасаларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада яхшилашга сарфланади.

# ЗАФАРЛАРИМИЗ— 1 МАЙ БАЙРАМИГА

## ЮҚОРИ СУРЪАТДА

«МАЛИКА» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳар куни 300 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Уларнинг магазин пештахталарида туриб қолмаётганлиги маҳсулотнинг харидоргирлиги, яъни сифатлилигидан далолат бермоқда. Ўсиб бораётган эҳтиёжга яраша маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида бирлашма территорияси кенгайтирилмоқда. Шунингдек эски цехлар реконструкция қилиняпти, янгилари қурилмоқда.

Ишчиларнинг ишдан бўш пайтларида кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун клуб, дам олиш зоналари, спорт иншоотлари бунёд этилмоқда. Бинокорлик ишларини «Главташкентстрой»га қарашли 8-трест 1-қурилиш бошқармасидан И. Юнусов бошлиқ бригада коллективи олиб боряпти. Бригада аъзоларидан Ю. Шерматов, Ф. Ҳамидуллин, Э. Абадняев, В. Мезин сингари илғор ишчилар майолди мусобақасида алоҳида ўрнак кўрсатиб ишламоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

## Тежамкор чеварлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида майолди социалистик мусобақаси қизитиб юборилди. Бу меҳнат беллашувида корхонанинг 1-бичиқчилик цехи коллективи пешқадамлик қилмоқда. Лилия Халилова, Галина Закринная, Муборак Каримова, Азиза Каримовалар коллектив муваффақиятига салмоқли ҳисса қўшишмоқда.

Цех коллективи асосан эркаклар ва болалар учун тикилаётган костюмларга астар бичиб беради. Чеварлар тежамкорлик режимига қатъий амал қилиб келмоқдалар. Улар бу йил 11 минг метр газламани иқтисод қилиш мажбуриятини олишган. Ишчилар шу кунгача 5 минг метрдан зиёд газлама тежашга муваффақ бўлдилар.

Н. ЗИЯМУҲАМЕДОВА.

**Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Иқтисодий ўсишнинг барча резервларини ишга туширайлик! Юксак сифат, ғоят қаттиқ тежаш, мустаҳкам интизом жуда тез олға ҳаракат қилишимиз гаровидир!**

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).





ЧОРВОҚ ГЭСи қурилиш бошқармасига қарашли янги уйсозлик комбинатини қуриш жадал суръат билан олиб борилмоқда. Суратларда: қурилиш бошқармасида ўн йилдан буён ишлаб келаётган зарбдор бетончи коммунист Йўлдош Иероилов; қурилиш участкасида.

В. Портнов фотолари.

## ОРБИТАДА ТУТАШУВ

ТАСС АХБОРОТИ

1986 йил 27 апрель куни Москва вақти билан 01 соату 26 минутда «Прогресс-26» кемаси одам бошқарадиган «Мир» —«Союз Т-15» орбитал комплекси билан туташтирилди.

Ўзаро қидирув, яқинлашув, тўхташ ва туташув космик аппаратларнинг борт автоматикаси ёрдамида бажарилди. Бу жараёнлар ердаги команда-ўлчов комплекси, шунингдек космонавтлар Кизим ва Соловьевлар билан баҳамжиҳат ҳаракатда учишни бошқариш маркази томонидан контроль қилиб турилди. Юк кемаси агрегат бўлмаси томонидан станцияга туташтирилди.

«Прогресс-26» кемаси орбитага бирлашган двигатель қурилмаси учун ёқилғи, озиқ-овқат, сув, «Мир» станциясини тўлиқ таъминлаш учун асбоб-ускуна ва аппаратлар, шунингдек почта етказиб берди.

Телеметрик маълумотларга ва экипаж хабарларига кўра, одам бошқарадиган «Мир» — «Союз Т-15» — «Прогресс-26» комплексининг борт системалари нормал ишлаб турибди.

Леонид Кизим ва Владимир Соловьевларнинг саломатлиги яхши ва улар ўзларини бардам ҳис этмоқдалар.

## ЭНГ ЯХШИ ТАЖРИБАЛАР ОММА МУЛКИГА АЙЛАНТИРИЛСИН

Республика партия ташкилотларидан тортиб бошланғич ташкилотгача ҳар бир партия ташкилотининг ташкилотчилик, идеология ишларини ва бутун ишларни КПСС XXVII съезди қарорлари асосида қайта қуриш проблемалари 27 апрель куни тугаган республика семинар-кенгаши қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Область партия комитетларининг секретарлари ва бўлим мудирлари, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари тажриба алмашдилар, Тошкент шаҳридаги корхоналар ва ташкилотлар, пойтахт область колхоз ва совхозлари партия ташкилотлари фаолияти билан танишдилар.

Семинар-кенгашнинг якунловчи иш кунида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев «Партиявий иш услубини қайта қуриш — КПСС XXVII съездининг энг муҳим талаби» мавзуида доклад қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева ўз нутқини «Ҳозирги замон шароитида партия комитетлари идеология ишини такомиллаштириш» мавзусига бағишлади.

Семинар-кенгаш қатнашчилари ҳузурида КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг лектори Ю. Ф. Смирнов халқаро аҳвол тўғрисида лекция ўқиди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев семинар-кенгаш ишига якун ясади.

(ЎзТАГ).

# МЕҲНАТ БИЛАН САНЪАТНИНГ ИТТИФОҚИ

## Ўзбекистон ижодий союзларининг бирлашган пленумидан

Ижодкор зиёлилар, маданият ходимлари КПСС XXVII съезди тарихий қарорларини, унинг назарий ва амалий хулосаларини партиянинг адабиёт ва санъат ролини кўтариш йўлини амалга оширишдаги, социалистик жамият маънавий бойликларини яратишдаги, совет кишиларини бадиий бойликлардан баҳраманд қилиш ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги жанговар ҳаракат программаси деб қабул этдилар. Ўзбекистон ижодий союзларининг 28 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган бирлашган пленумида мана шулар ҳақида гапирилди.

Пленумни Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин очди.

«КПСС XXVII съезди қарорлари асосида адабиёт ва санъатни янада ривожлантириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда уларнинг ролини ошириш юзасидан республика ижодий союзларининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Турмушнинг ҳамма соҳаларидаги кўпдан-кўп мураккаб вазифалар олдимизда кўндаланг бўлиб турибди, деб уқтирди докладчи. Бироқ, инсон омилининг ролини ошириш энг муҳим вазифалардан биридир, чунки ҳамма режаларнинг бажарилиши, барча орзуларнинг ушалиши шу вазифани қандай ҳал этишимизга боғлиқ бўлади. Бу ишда адабиёт ва санъат ходимларининг, бутун социализм маънавий маданиятининг роли ҳар қачонгидан ҳам ошиб бормоқда. Партия В. И. Ленин васиятларига амал қилиб, адабиёт ва санъатни, маданиятни ривожлантиришдаги бош йўл — халқ турмуши билан алоқани мустаҳкамлашдан, социалистик воқеликни ҳаққоний ва бадиий жиҳатдан юксак савияда акс эттиришдан, янги ва илғор усулларни илҳом билан мароқли тасвирлаб беришдан, жамиятнинг ҳаракатига тўсқинлик қилаётган ҳамма иллатларни эҳтирос билан фош этиб ташлашдан иборат эканини аниқ белгилаб берди.

Съезд қарорлари ижодий изланиш учун кенг уфқларни, самарали ташаббускорлик учун битмас-туганмас имкониятларни очиб бермоқда. Ўзбекистон ижодий союзларининг бош вазифаси — маданият омилини республика иқтисодий, социал ва маънавий тараққиётининг самарали тезлаткичига айлантиришдан иборат.

Ишнинг миқёси ва янгилиги турмушнинг ҳамма соҳаларини тубдан қайта қуришни тақозо этмоқда. Раҳбарлар ҳам, меҳнаткашлар ҳам — ҳамма янгича ишлаш, янгича ёндашишларга ўзларини шайлашлари керак. Мана шу бениҳоя муҳим сиёсий ишда Ўзбекистон партия ташкилоти республика зиёлиларининг жуда фаол иштирок этишларига умид қилишга ҳақлидир.

Ёзувчилар, кинематографиячилар, музикачилар, артистлар ва режиссёрлар ғоят муҳим аҳамиятга молик социал буюртмани бажаришлари: одамларнинг янгича ишлаб, яшашларига ёрдам берадиган ғоявий юксак асарлар ижод қилишлари керак. Бунда партия билан халқ дабдабали тасвирларга ва турмуш икир-чикирларини кавлаштиришга ҳам, муваққат манфаатларни кўзлашга ва тор амалиётчиликка ҳам муҳтож эмасликларини ёдда тутмоқ керак. Турмуш ҳақиқати ҳамиша ҳақиқий санъатнинг моҳияти бўлиб келган. Башарти асар ҳақиқат руҳи билан суғорилган бўлса, демак, у ҳамиша керакли бўлади, демак, санъаткорнинг юраги замон билан ҳамоҳанг тепаётган бўлади.

Партия ишлаб чиққан жадаллаштириш концепцияси жамият ҳаётининг барча томонларини: экономика, фан ва техникани, социал ва маънавий турмушни қамраб олади.

Докладчи ҳозир Ўзбекистон партия ташкилоти, республика меҳнаткашлари ҳал қилаётган кўпгина жиддий ва мураккаб муаммоларга тўхталиб, камчиликларни тугатиш соҳасида кўп иш қилиниши, хўжалик юритиш ва бошқаришнинг томир ёйган яроксиз услубига, идеология ишидаги, социал соҳадаги янглишишларга қарши сабот билан, муросасиз кураш олиб борилиши лозимлигини таъкидлади.

Маданият ходимлари ҳозир одамларнинг маънавий эҳтиёжларини янада юксалтиришда чинакам новаторларча услубни қарор топтиришда партия ташкилотларининг актив ёрдамчилари бўлишлари ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Ёзувчилар, архитекторлар, кинематографиячиларнинг яқинда бўлиб ўтган съездларида салбий ҳодисаларга принципиал партиявий тўғри баҳо берилди. Ҳамма жойда ижодий иш ўз-ўзини танқид асосида сергаклик ва талабчанлик билан таҳлил этилмоқда.

Муваффақиятлироқ олға силжимоқ учун мафкуравий сезгирлик, социал-синфий мақсадларни аниқ ва тўғри белгилаб олиш ҳозир адабиётга, санъатнинг ҳамма турларига ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Ҳолбуки, равшан ва актив ҳаётий позицияси билан, ички дунёсининг бойлиги билан ажралиб турадиган жўшқин қаҳрамон ўрнига ахлоқий фазилатлари шубҳали бўлган, бир чақага ҳам арзимайдиган кечинмаларнинг сохта мураккаблиги замирида мешчанлик қиёфасини устамонлик билан ниқоблайдиган персонажларнинг туриш-турмушини тасвирлайдиган асарлар ҳам ҳали анчагина борлиги ташвишга солмай қола олмайди. Адабиёт ва санъатда замонавий мавзудан чекиниш ҳоллари суст бартараф этилмоқда.

Партия қабул этган жадаллаштириш концепцияси ҳар бир халқнинг, ҳар бир республиканинг иқтисодий потенциалинигина эмас,. шу билан бирга маданий потенциалини ҳам оширишни, уларнинг Умумиттифоқ бойлигига қўшаётган реал ҳиссасини кўпайтиришни назарда тутади. Модомики шундай экан, бизнинг умуммиллий маънавий хазинага қўшадиган ҳиссамиз ҳам республиканинг энг кўп имкониятларига муносиб бўлиши керак.

Бутун кўп миллатли мамлакат маданиятининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон адабиёти ва санъати, дейилди докладда, социалистик воқеликни унинг хилма-хиллиги билан бадиий акс эттиришда катта тажрибага эгадир. Бироқ бугунги кунда бу тажрибанинг ўзи етарли эмас.

Экономика ва маданият бир-бири билан чамбарчас боғланган. Улар ўртасидаги алоқа қанчалик мустаҳкам бўлса хўжалик юритиш ҳам, тарбия ҳам шунчалик самарали бўлади. Фан-техника тараққиёти ишчилар синфи, деҳқонларнинг маданий-техникавий савиясига эътибор кучайтирилишини, жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучини тайёрлаш тубдан яхшиланиши ҳамда такомиллаштирилишини тақозо этади.

Халқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш чоралари фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштирибгина қолмай, шу билан бирга маданиятнинг ролини оширишга ҳам актив кўмаклашиши керак. Ҳаёт мароми шунчалик жадаллашдики, санъаткор турмушнинг жўшқин оқимида аниқ йўлни белгилаши, рўй бераётган ўзгаришлар моҳиятини чуқур англаб олиши осон бўлмайди. Бунинг учун у турмуш ичига чуқур кириб бориши керак, бу энг аввало ўз йўлини адабиёт ва санъатда эндигина бошлаётган ёш ижодкорларга тааллуқлидир. Ҳозирги пайтда ижодкор ёшлар билан олиб бориладиган ишга кўпроқ эътибор бериш, санъат арбобларининг ёш авлоди ҳаёт билан ҳамнафас бўлиши учун энг қатъий чораларни кўриш зарур.

Бугунги кунда адабий-бадиий танқид олдига алоҳида қатъий талаб қўйилмоқда. Кейинги вақтда адабий-бадиий танқидда шундай барқарор тенденциялар вужудга келдики, уларда асардаги ҳақиқий ва сохта муваффақиятлар тўғрисидаги гапларга кўп ўрин берилиб, йўл қўйилган нуқсонлар тўғрисида жуда эҳтиётлик билан эслатиб ўтилади. Танқид кўнгилчанлик ва мансабни юз-хотир қилиш каби ҳолатлардан халос бўладиган пайт келди, бугунги кунда тўғридан-тўғри ва ошкора гаплашиб олиш, вазминлик, истеъдод соҳибига авайлаб муносабатда бўлиш талаб этилади.

Ижодий союзларнинг аъзолари, деб сўзини давом эттирди нотиқ, съезд ўртага қўйган ҳамда ҳозирги пайтда партия ва давлат органлари ҳал этаётган социал проблемаларнинг бутун комплексига доимо диққат-эътибор беришлари керак. Ёшларни кекса авлодлар тажрибасида тарбиялаш учун, эскича турмуш тарзини қатъиян бартараф этиш, ўтмиш сарқитларига қарши курашиш учун адабиёт, кино, театр, матбуот, телевидение анчагина фойдали ишлар қилишлари мумкин. Айниқса, маҳаллий миллат йигит ва қизларини саноат ишчилар синфи сафларига жалб этиш ғоят катта аҳамиятга молик масаладир. Ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш учун, оилани ва унинг негизларини мустаҳкамлаш учун кўпгина ишлар қилиш зарур.

Ҳаётимизнинг баъзи томонларини танқидий мулоҳаза қилиб кўриш учун кенг имкониятлар яратилганлиги асосий эътиборни турмушнинг салбий томонларига қаратиш зарурлигини билдирмайди. Афсуски, бизда бюрократлар, юлғичлар ҳамда бошқа салбий нусхалар ва ҳодисалар ҳали анчагина. Бу — сўзсиз ҳақиқатдир. Бироқ юксак орзу-ниятлари ва ишлари билан чинакам қаҳрамон бўлган кишилар ҳам биз билан ёнма-ён яшаб, меҳнат қилаётганлиги ҳақиқатдир. Замондошимизнинг, ижобий қаҳрамоннинг образи ҳамиша адабиёт ва санъатнинг диққат марказида бўлиши керак. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги, В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллиги, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 45 йиллиги, биринчи Май байрамининг 100 йиллиги каби улуғвор воқеаларни санъатнинг барча турларида янги ёрқин асарлар билан нишонлаш зарур.

Съезд қарорлари ва материалларининг ҳар бир сатри, ҳар бир қоидаси—ватанимизнинг, республикамизнинг, ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир совет кишисининг туб манфаатларига тааллуқли ғоят ўткир проблемаларни ўртага қўйиш учун битмас-туганмас манбадир. Пленумда санъатнинг барча турлари вакиллари — адиблар, кинематографиячилар, композиторлар, архитекторларнинг ижодий фаолияти ана шу позициялардан туриб таҳлил этилди, театрлар, оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радио ходимлари ҳал қилиши лозим бўлган муҳим вазифалар ҳақида гапирилди.

Докладчи социал-маданий соҳани ривожлантириш масалаларига тўхталиб, ҳукумат ана шу мақсадлар учун республикага қўшимча равишда юз миллион сўм ажратилганлигини уқтириб ўтди. Шу беш йилликда кўплаб маданият уйлари, клублар, кинотеатрлар қурилади, маданиятнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга оид бошқа тадбирлар амалга оширилади. Аммо мавжуд маданият муассасаларидан, спорт иншоотларидан ҳали қониқарли фойдаланилаяпти, деб бўлмайди, қишлоқ кутубхоналарининг фондлари ғоят кам, қишлоқда китоб магазинлари ҳам етишмайди. Қишлоқ турмуш маданиятини тубдан яхшилаш учун ҳали кўп иш қилиш керак— ижодий союзлар мана шу олижаноб ишга ўз ҳиссаларини қўшишлари зарур.

Социал масалаларнинг ҳал этилиши учун ижодий союзларнинг масъулиятини оширадиган пайт келди.

Бундан 60 йил муқаддам, оғир пайтларда республика маданият арбоблари «Ҳужум» ҳаракатида фаол қатнашганликларини эсга олайлик. Жаҳолатпарастларнинг ашаддий қаршилигига қарамай, минглаб хотин-қизлар машъум паранжини ташлаб, янги жамият қуришга киришдилар. Ҳозир ҳам биз хотин-қизлар орасида олиб бориладиган ишларни сусайтирмаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам хотин-қизларни жамоат ишларига жалб қилиш илгаригидек, ғоят муҳим масаладир.

Маданиятни ошириш, социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш, янги анъаналарни жорий этиш учун умумхалқ юришини ташкил қилишга бутун куч ва воситаларни сафарбар этиш — биринчи галдаги вазифалардандир. Ҳозир барча область марказларида, бир қанча шаҳарларда расмлар галереялари ташкил этилмоқда. Бу ишда ҳам рассомлар, ҳайкалтарошлар, барча маданият арбоблари қатнашишлари зарур.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети мамлакатда концерт фаолиятини яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилдилар. КПСС Марказий Комитети Бутуниттифоқ театр жамиятини, маданият фондини, Бутуниттифоқ музика жамиятини тузишни зарур деб топди. Саҳна асарларининг ғоявий-бадиий савияси юксак даражада бўлиши учун театр коллективларининг ҳуқуқларини, мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини кучайтиришга қаратилган комплекс эксперимент театр ишининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Яхши ташкил этилган, қизиқарли, хилма-хил партиявий ишлар, деб таъкидланди пленумда, ҳар бир ижодий коллектив бадиий қобилиятининг энг муҳим шартидир. Ижодий союзларнинг бошланғич партия ташкилотларидан одамларни яхши тушуна олиш, уларнинг оқилона ташаббусини қўллаб-қувватлаш, ижобий тажрибани оммалаштириш, давлат ва жамоат манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш юксак маҳоратига эга бўлиш талаб этилади. Партия ташкилоти коллективдаги умумий маънавий муҳитнигина эмас, шу билан бирга санъаткорнинг шахсий хулқ-атворини, маънавий қиёфасини, унинг инсон, коммунист ва гражданин сифатидаги юксак ахлоқини яхши билиши керак.

Докладни муҳокама қилишда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси президиумининг раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ў. Р. Умарбеков, Ўзбекистон ССР халқ рассоми, СССР Давлат мукофоти лауреати Ч. Г. Аҳмаров, Ўзбекистон театр жамияти правлениеси президиумининг раиси, СССР халқ артисти Б. Р. Қориева, композитор, Тошкент консерваториясининг ректори К. Н. Кенжаев, кинорежиссёр, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати Л. Файзиев, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. Дадажонова, «Правда Востока» газетасининг редактори Г. Г. Неклесса, Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор Т. Ф. Қодирова, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг редактори, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси О. Ёқубов, Горький номидаги Тошкент давлат театрининг актёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист В. И. Цветков, Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ж. Й. Умарбеков, Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг секретари Д. Сайдаминова, Ўрта Чирчиқ район «Машъал» газетасининг редактори М. Хўжаева, Бухоро областининг бош архитектори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор Н. Х. Шарипов, Ўзбекистон ССР маданият министри М. А. Аҳмедова, Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясининг кинорежиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Д. И. Салимов қатнашдилар. Пленум қатнашчилари КПСС XXVII съезди қарорларини қизғин маъқуллаб, ишчанлик кайфияти, оптимизм ва дадил ташаббуслар даври, турғунликка қарши кураш ва изланишлар даври келганлигини таъкидладилар. Сўзга чиққан нотиқлар дадил ўзгаришлар адабиёт ва санъат ходимлари учун нуфузли ижтимоий куч, гражданлик мактаби бўлган ижодий союзлар олдига янги улкан вазифалар қўяётганлигини уқтириб ўтдилар. Ижодий союзлар ҳаётининг бутун муҳити санъаткорларни ҳозирги воқеликни дадил акс эттиришга илҳомлантириши зарур. Ижодий союзларда партиявий принципиаллик, юксак ўзаро ижодий талабчанлик ҳукм суриши керак. Маданий оталиққа, адабиёт ва санъат арбобларининг ишлаб чиқариш коллективлари билан ижодий ҳамкорлигига кенг йўл очиш лозим.

Пленум қатнашчилари қабул қилинган резолюцияда адабиёт ва санъат арбоблари, бутун бадиий зиёлилар бундан буён ҳам меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда партиянинг фаол ёрдамчилари бўлиб, КПСС XXVII съезди қарорларини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ваъда бердилар.

Республика ижодий союзларининг бирлашган пленуми ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

